## Қутқарув ишлари яхшиланади

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авария-қутқарув кучлари бўлинмаларининг республика мусобақаси якунланди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жанговар тайёрлаш спорт мажмуида бўлиб ўтган беллашувда «Нажоткор» кўп тармоқли тезкор ҳаракат маркази, «Халоскор» тез ҳаракатланувчи отряд, Тошкент шаҳар «05—Қутқарув хизмати» ва вилоятлар фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг авария-қутқарув кучлари иштирок этишди.

Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш, офатларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш, шунингдек, завод ва фабрикаларда йирик аварияларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ёки бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй бергудек бўлса, унга қарши доимо шай туриш ва ҳушёрликни таъминлашдир.

Ниҳоят, тезкор ва жанговар ҳаракатларга хос ўтган беллашув якунланиб, ғолиблар аниқланди. Фарғона ва Самарқанд вилоятлари фавқулодда вазиятлар бошқармалари авария-қутқарув кучларининг нажоткорлари биринчи ва иккинчи, «Халоскор» тез ҳаракатланувчи отряд эса +учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар тақдирланди.

Мусобақа Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Баҳодир Қосимов назорати остида ўтди.

*АЗАМАТ*

## Кутубхона янги китоблар билан бойиди

Таълим соҳасига қилинаётган эътибор, шубҳасиз, юртимизда етишиб чиқаётган ёш кадрларнинг янада билимдон, малакали, касб салоҳияти юқори бўлишини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ёшларимизга мустақиллигимизнинг 8 йиллиги тўйида ўнлаб замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш насиб этган бўлса, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳиммати орқали эса кўпгина янги адабиётларни ўқийдиган бўлдилар.

Вазирлик Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонасига асосан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фойдаланиладиган тўрт юз номдаги саккиз юзга яқин дарсликларини туҳфа қилди.

Вазирлик туҳфаси қўшалоқ бўлиб, турли дарслик ва адабиётлардан ташқари икки ярим миллион сўмлик чек ҳам топширди.

Марказий кутубхона ёшларнинг қўшимча билимлар олиши учун энг яхши маскан бўлиб қолади.

*Бахриддин ЭШМИРЗАЕВ*

## Аҳмад фермер мактаб қурди

Саҳоватпеша, савобталаб халқмиз. Деновнинг «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзиллаев ана шундай ажойиб инсонлардан. Яқинда у ажойиб ишга қўл урди. Амир Темур номли уруғчилик бирлашмасининг «Орол» қишлоғида 300 ўқувчига мўлжалланган янги замонавий мактаб қуриб берди. 9,5 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу икки қаватли мактаб қарийб 2 ойдаёқ ишга туширилди.

*Абдумалик ҲАЙДАРОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

**«Пахта — 99»**

## МАРРА

**Вилоятлардан мухбирларимиз хабар қиладилар**

**ҚАМАШИ.** Деҳқонлар яна бир синовдан ўтдилар, яъни пахта етиштирилган 10630 гектар майдоннинг 4800 гектарига чигит қайта экилган эди. Тадбиркорлик ва матонат ўз самарасини берди. Туман пахтакорлари 29600 тонна хомашё топшириб, йиллик шартнома режасини ошириб адо этдилар. Шу жумладан, 8800 тонна уруғлик пахта тайёрланди. Катта хирмонга «Қорабоғ», «Қоратепа», «Оқ работ», «Тўқбой», «Ғиштли» каби хўжаликлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ҳали далаларда ҳосил мўл, яна 2000 тонна хомашё етказиб беришга аҳд қилишди.

**ШАҲРИСАБЗ.** Туман пахтакорлари Қашқадарёда биринчи бўлиб йиллик пахта топшириш режасини уддалаган эди. Эндиликда улар мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Мавжуд 5870 гектар ердан бугунгача 18278 тонна хирмон уюлди. Ҳосилдорлик гектарига 30,3 центнерни ташкил этди. Улар бу кўрсаткични 35 центнерга етказишмоқчи. Мирзо Улуғбек, Парда Шербобоев, Болта Фозилов номли жамоа хўжаликлари бу йилги мавсумда илғорлар сафида беришмоқда.

**ДЕҲҚОНОБОД.** Аслида бу туман чорвачиликка ихтисослашган. Аммо Қарши чўлида пахта ҳам етиштиришмоқда. Бу ерда тўрт йилдан буён режа бажарилмасди. Тадбиркорлик туфайли бу йил 300 гектар ердан 600 тоннадан ортиқ саноат хомашёси сотилиб, йиллик режа илк бор бажарилди. Қашқадарё 50 йиллиги номли хўжаликда ҳосилдорлик 20 центнерни, «Гулибодом» фермер уюшмасида эса 23 центнерни ташкил этди.

Пахтакорлар ялпи ҳосилдорликни 26 центнерга етказишга аҳд қилишган.

*Юнус УЗОҚОВ,*

**ИШТИХОН.** Давлатга 29960 тонна «оқ олтин» топширилиб, йиллик режа бажарилди. Ҳар гектардан 28 центнердан ҳосил олинди. Улкан хирмонга тумандаги барча хўжаликлар муносиб улуш қўшдилар. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Шу боис иштихонликлар қўшимча 1500 тонна пахта учун йиғим-теримни давом эттирмоқда.

*Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,*


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 2 ноябрь, сешанба • № 128 (25.523).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## Марказий сайлов комиссияси мажлиси

31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов бошқарган мазкур мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг ахбороти тингланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда депутатликка тавсия этилган ҳар бир номзод ва у ҳақида Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатларни ўрганишга жиддий ёндошилганлиги таъкидланди.

Сўнгра сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

*(ЎзА)*

## Янги қўшиқ пайдо бўлди

Бу янгилиғ хабар ҳамиша муштарийлар, мухлислар қалбини завққа тўлдириб келган.

Аввало завқ-шавқида кўнгиллар рақс туша бошлайди. Сўнг секин-аста елкаларимиз куй маромида тебраниб, кейинроқ силкина бошлайди. Сўнг завқ даражасига кўра «Жуфт бўлсин!», деган ҳайқириқ янграр, эҳтимол.

Эҳтимол, бу қўшиқ шу кунги давранинг, ёхуд шу ҳафтанинг, ойнинг, боринг-ки, йилнинг энг яхши қўшиғига айланар.

Эҳтимол...

Ҳар ҳолда янги қўшиқ пайдо бўлиши бизнинг маданий ва маънавий ҳаётимизда, ҳар қандай кашфиёт сингари, муҳим бир воқеага айланади.

Бу ўринда, кашфиёт сўзи бежиз келтирилмади.

Ҳар қандай янгилик кашфиётдир. Қўшиқ ҳам, инчунун...

Янги қўшиқ пайдо бўлди.

Биз бу янгилик замирида янги Сўз соҳибини, янги Овоз соҳибини, янги Куй соҳибини кашф қиламиз. Баъзан бу кашфиётга кимдир сабабчи бўлиши мумкин.

Баъзан «соҳиблар» «эски» бўлиши мумкин. Лекин, яратилган янги Сўз ва Оҳанг бизнинг дилимизга янги бир завқшавқни ато қилаверади.

Гап «Пан Тоға» гуруҳи томонидан яратилган янги қўшиқ устида кетмоқда. Гуруҳ ижодкорлари бу қўшиқни яхши ният билан «Таянч» деб номлашибди. Бу қўшиқ элу-юртнинг, келажагимизнинг таянчи бўлган ёшлар ҳақидадир, тўғрироғи, ёшлар қўшиғидир. Яна ҳам аниқлаштирадиган бўлсак, бу қўшиқ талабалар қўшиғидир.

Кези келганда «Пан Тоға» гуруҳи аъзолари билан сизларни таништириб ўтсам.

Шоир Яҳё Тоға бу гуруҳда адабий маслаҳатчи ҳисобланади. У асосан сўз устида ишлайди.

Оператор-оранжировкачи Александр Канаки яратилган куй ва қўшиқнинг оҳангдорлиги, бир-бирига мутаносиблиги учун масъул.

Ижро эса гуруҳнинг энг ёш аъзоси Гўзал Исрофилова зиммасида. Гуруҳнинг бадиий раҳбари, шоир ва бастакор Валерий Панов ижодий жараённинг барча жабҳасида иштирок этишдан ташқари, масаланинг моддий, маънавий ва ташкилий жиҳатлари билан шуғулланади.

Мана, энди сизга гуруҳнинг нима учун «Пан Тоға» деб номланиши ҳам аён. «Пан Тоға» гуруҳи яқинда ташкил топган бўлишига қарамай, турли касб эгалари, турли санъатлар билан боғлиқ қатор қўшиқлар яратди. Ва янги қўшиқлар устида иш олиб бормоқда. Бу алоҳида мавзу.

Ҳозир эса, гап янги яратилган «Таянч» қўшиғи устида кетмоқда. «Пан Тоға» гуруҳининг нияти бу қўшиқни «Талабалар мадҳияси» даражасига кўтариш. Бу ниятни бугунги кунда кўпчилик мухлислар қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу ниятни сиз ҳам қўллабқувватлайсизми, буёғи энди сизнинг қувайи ҳофизангизга боғлиқ.

Янги қўшиқ пайдо бўлди. Келинг, шу қўшиқни биргаликда тинглаб кўрайлик.

Эҳтимол, у сиз кутган қўшиқдир...

*Аслиддин СУЮН*
*АБДУЛАЗИЗ ўғли*

### Таянч

*Элда умид уйғонадур,*
*Истиқлолнинг шамоли бу.*
*Ёш кўнгиллар тўлғонадур,*
*Эртанги кун камоли бу.*

*Ёркин нурли тонглар отар,*
*Тонгни икки сўз уйғотар.*
*Бир шербилак ва бир дилбар —*
*Икки қоракўз уйғотар.*

*Истиқболнинг пойдевори*
*Мустаҳкам бўлмоғи учун*
*Юртнинг таянч, мададкори —*
*Ёшлар сарф айлайдур кучин.*

*Аждодлар тутар кўзгу,*
*Авлодлар қилар тантана —*
*Академик лицейлару*
*Ҳунар коллежлари мана.*

*Ватан — улуғ бир оила,*
*Унда даврон сурамиз биз.*
*Шижоатли ёшлар билан,*
*Янги замон қурамиз биз, биз...*

# ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁГА ОВОЗА БЎЛДИ

**ёҳуд зарбизўр боксчиларимизнинг ажойиб ғалабалари**




Бокс ошуфталарининг омадлари келди десак бўлар. Боиси улар бир ҳафта мобайнида байрамона кайфиятни ҳис этиб, Осиёнинг 20 мамлакатидан пойтахтимизга келган моҳир боксчилар ўртасидаги муросасиз баҳслардан завқландилар. Ҳамиша бўлганидек бу сафар ҳам якунловчи финал учрашувлари бетакрор ва унутилмас воқеаларга бой бўлди. «Юнусобод» спорт кошонасига одам сиғмай кетдиёв. Бу ерга узоқ-яқиндан келган ашаддий мухлислару мутасадди-мутахассислар тўпланишди. Олқишу хайқириқларнинг чеки бўлмади.

Мутахассислар Осиё чемпионати бошланиши арафасидаёқ бу галги баҳсда ғолибликка асосан Қозоғистон, Эрон ҳамда Ўзбекистон боксчилари талабгорлик қиладилар деб башорат қилишган эди. Ҳақиқатан ҳам финалгача етиб келганлар ҳолатида Қозоғистон ва Ўзбекистон вакилларидан етти нафардан боксчи чемпионликка даъвогар экани аён эди. Баҳсларни эса одатдагидек енгил вазнлилар — ватандошимиз Дилшод Йўлдошев (48 кг.) билан таиландлик Субан Пуннан бошлаб беришди. Осиё чемпиони бўлиб, олтин медални қўлга киритишни 14:9 ҳисобида устун келган Дилшод бошлаб берди. Якунловчи баҳсда Филиппин ва Жанубий Корея вакилларидан иккитадан боксчи иштирок этиши маълум эди. Филиппинлик Лерио Арлан (51кг.) билан Жанубий Кореялик Тхе-Куе Ким учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Хайтовур корейс боксчиси чемпион бўлиб уйига қайтди. Финалда иштирок этаётган уч нафар қирғиз боксчиларидан Талабек Кадялеев (54 кг.) ғолиблик учун чирчиқлик Алишер Раҳимов билан рингга кўтарилди. Барча учрашувларни кўтарингки руҳда давом эттириб келаётган Алишер бу сафар ҳам бўш келмай ғалаба нашидасидан бахраманд бўлди.



Ишкибозлар финалда Қозоғистон ва Ўзбекистон боксчилари ўзаро курашадиган тўртта учрашувнинг ниҳоятда қизиқарли бўлишига умид боғлагандилар. Мана шу баҳснинг дастлабкисини анжидонлик Тўлқин Турғунов (57 кг.) билан қозоқ Бекзад Сатторхонов бошлаб беришди. Аниқ ва кучли зарблар, шиддатли жангларига дош бераолмаган Бекзад бу ўйиндан бошини хам қилиб чиқишга мажбур бўлди. 81 килограмм вазнли боксчимиз Сергей Михайловнинг қозоқ йигити Ўлжас Ўразалиев билан жангги ниҳоятда қизғин давом этди. Аниқ нишонлар устаси, зарбизўр Сергей иккинчи ва учинчи раундда кетма-кет рақибини нокдаунд ҳолатга тушириб рингда қўлини баланд кўтарди.

Ишкибозлар машҳур боксчимиз Руслан Чагаевнинг (91 кг.) чиқишини бетоқатлик билан кутаётгандилар. У қозоқ спортчиси Талгат Досанов билан учрашди. Русланнинг ўзига хос жанг услуби яна ўз самарасини берди. У тўрт раунд мобайнида сира бўш келмади. Ниҳоят 14:0 ҳисоби унинг фойдасига экани эълон қилинди. Чирчиқлик Рустам Саидов яна олқиш олди. Унинг энг оғир вазнли боксчилар сафида курашиш ҳадисини олганлиги яна бир бор исботини топди. Қозоқ боксчиси Муҳторхон Дилдабековни 8:7 ҳисобида мағлубиятга учратиб ғолиблик супасига кўтарилди. Жаҳон чемпиони андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев эса Осиё чемпионатида аксарият жангларни муддатдан олдин якунлашга муваффақ бўлди. У финалда кореялик Хванг Синг-Бим билан учрашиб йигитларимиз ғалабаси шарафига жами 7 марта мовий-яшил байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз таралишига ўз ҳиссасини қўшди.

Шунингдек, қозоғистонлик Нурхон Каримхонов(60 кг.) билан таиландлик Парк Лоом (67 кг.), хитойлик Абдураҳмон (75 кг.) қозоқ Ермахон Ибраимов (71кг.)лар ҳам ғалаба нашидасидан бахраманд бўлишди. Ермахон энг яхши боксчи номини олди. Шундай қилиб, Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақада ажойиб еттилар деб ардоқланган боксчиларимиз зўр ғалабага эришиб, Ўзбекистон номини Осиёга овоза қилдилар. Боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи бўлиб, махсус совринга эга бўлишди. Мутахассислар Ўзбекистонда бокс яхши ривожланганига амин бўлдилар. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон спорт юлдузлари ўзига хос шарафланиб, зарбоф тўн ва дўппи билан сийланди. Ҳаваскор боксчилар халқаро уюшмасининг президенти Анвар Чаудри мусобақанинг ташкилий-тадбирий жиҳатларини юқори баҳолади. Чемпионатни байрамона ташкил этилганидан мамнуният ҳосил қилганини ва Тошкент жаҳон чемпионатини ўтказишга тайёрлигини эътироф этди. Ўзбекистон бокс федерациясининг президенти Ўктам Исмоилов нуфузли мусобақани уюштиришда жонбозлик кўрсатган барча ташкилотчилар-у тадбиркорларга миннатдорчилик билдириб, спортнинг бокс турини янада ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш ҳамда Ватанимиз довруғини жаҳонга ёйиш учун бизда етарли имкониятлар борлиги ҳақида гапирди. Эндиги асосий вазифа боксчиларимизни келаси йили Австралияда ўтказиладиган олимпиада баҳсларида ишончимизни оқлашларидан иборат.

*Ҳайдар НОСИРОВ*

***

**Суратларда: финал учрашувларидан лавҳалар.**

*Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ ва Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар*

## Синовгача ва синовдан сўнг

*Таълим ва ислоҳот*

Тест бугунги кунда ўқувчига янгилик эмас, унинг онгидаги тушунча шаклланиб бўлди. Бугунги ўқувчи турли вариантлар жамланган саволлар варағини қўлга олар экан, қандай ишлаш керак эканлигини яхши билади. Тест синовлари жорий этилганда абитуриентлар сони бир қадар камайгандек бўлганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бирор соҳа мутахассиси бўлишни орзу қилганлар ортди. 1999 йилда абитуриентлар сони 300000 (уч юз минг) дан ошганлиги бунинг исботидир. Демак, мактабни битираётган ўқувчи тестни яхши ўзлаштирган, ўзига ишончи бор — талаба бўлишга. Айниқса, абитуриентларнинг 207000 (икки юз етти минг)ни қишлоқ ёшлари ташкил қилганлиги қувонарли албатта.

Ҳар йили тест топшириқларининг сони ортиб бораяпти, сабаби бўлажак талабалар берилган саволларни ёдлаб олиб, тўтиқушдек синовлардан ўтишининг олдини олиш, ҳақиқий илм эгаларининг талаба бўлишини таъминлашдир. 1996 йилдан буён шу йилгача қўшимча топшириқлар ҳисобига саволлар жамғармаси 80000 (саксон минг)тага ортди. Топшириқларнинг сифатини, самарадорлигини ошириш мақсадида етакчи олимлар, тажрибали педагоглар ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида таҳлил қилинди. АҚШ (Принстон) ва Туркия (Анқара) тест марказлари фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш, хорижлик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасида топшириқлар такомиллашиб борди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига қабул ҳақида»ги қарорига асосан 1999-2000 ўқув йили учун қабулнинг умумий миқдори 43653 та, шундан грантлар бўйича 21839 та ва тўлов-шартнома асосида 21814 та деб белгиланди. Тест синовлари эса умумий миқдорда олиниб, етарлича балл тўплаганлар грантлар бўйича, камроқ балл тўплаганлар тўлов-шартномалари бўйича қабул қилинди. Бу ҳол адолат юзасидан олганда абитуриентларни ранжитмади. Лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг юқори малакали педагогларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб юртбошимиз тўлов-шартнома асосида қабул учун яна қўшимча 3500 та ўрин ажратилишига рухсат берганлиги таълимни ислоҳ қилишда янгича ёндошишдан нишонадир. Шунга қарамай 1998-1999 ўқув йилида республикадаги мавжуд олий ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, биринчи курс талабаларининг ўзлаштириш қобилияти паст, баъзи олийгоҳларда қониқарсиз ҳамдир.

Ўқувчида тест бўйича маълум тушунча бор, эндиликда кўникма ҳосил қилиш учун чораклик баҳоларини тест синовлари орқали чиқариш, баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Гарчи ҳозирда ҳам мактабларда балл тизими, рейтинг мавжуд бўлсада, у тест синовлари учун биринчи поғонанинг ўрнини босолмаяпти. Замонавий техникаларга, компьютерларга бўлган эҳтиёж бугунги кунда олий ўқув юртларидан ҳам кўра мактабларда кўпроқ сезилмоқда. Чунки, абитуриентликдан талаба бўлган ўқувчи илк босқичда илм ўрганишдан кўра компьютерни ўзлаштиришга анчайин вақт сарфлашга тўғри келмоқда. Мамлакатимизнинг барча эришган ютуқларида етук кадрларнинг ўрни беқиёс. Келажакда бизнинг ўрнимизга келадиган кадрларнинг салоҳияти ватанимизнинг келажагини белгилайди.

Умуман олганда якинда чоп этилган «1999 йил тест якунлари» китобида барча олий ўқув юртлари талаб ва эҳтиёжи, абитуриентлар салмоғи, кўрсаткичлари жамланган. Тест синовларига янгича ёндошиш батафсил ёритилган. Қизиқканлар эса тўлиқ маълумотларни ушбу китобдан олишлари мумкин.

*Феруза ТОШМАТОВА,*
*Шаҳноза РИЗАЕВА*

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### Мушаррафнинг айтганлари

**Покистон ҳарбий раҳбари генерал Парвез Мушарраф куни кеча Абу Даби шаҳрида мен ташқаридан бўладиган таъсирларга берилмайман, фақатгина Покистон ва унинг манфаатларини ўйлаб фаолият кўрсатаман, деди. У Бирлашган Араб Амирликларида истиқомат қилаётган 400 мингдан зиёд покистонликлар вакиллари ҳузурида нутқ сўзлади. Мушарраф айтдики, унинг Саудия Арабистони ва Амирликларга қилган сафари қутилганидан ҳам зиёда бўлганмиш. Яқин келажакда Ҳиндистонга ҳам сафар қилиши мумкинлигини айтди. У ўзи раҳбарлик қилаётгандан буён Покистонда иқтисодиёт ривожлана бошлаганлигини таъкидлаб ўтди.**

### Танасидан жудо қилинди

Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида учта покистонликнинг калласи танасидан жудо қилинди. Қиролликнинг Ички ишлар вазирлигидан хабар қилишларича, улар Саудиядаги бир хонадонга бостириб кирганликлари ва ушбу хонадон эгаларини ўлдирганликлари ҳамда ўғрилик қилганликлари учун ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Қуролланган ўғрилар эрта тонгда уйга кириб олиб, эр-хотинни боғлаб қўйишган ҳамда қимматбаҳо металлар ва пуллар қаерда турганлигини айтишларини талаб қилиб, қийноққа солганлар. Натижада уларнинг иккаласи ҳам оламдан ўтган. Умуман олганда Саудия Арабистонида шу йилнинг ўзида 100 киши қатл этилди. Саудиянинг шариат судлари жиноятнинг 4 хил турига ўлим жазосини берадилар: булар қотиллик, қуролли ўғрилик қилиш, наркотик моддаларни тарқатиш ва аёлларни зўрлашдан иборат.

### Метрода сайр қилди

**Буюк Британия бош вазири Тони Блэр яқин кунларда автомобиллар кўплаб йиғилиб қолган жойга тушиб қолди ва ўзининг бронлаштирилган «Лимузин» машинасидан тезда отилиб чиқиб, метро вагонида кетишга мажбур бўлди. У ўзининг матбуот котиби ва бешта танқўриқчиси билан бирга метро станциясига кириб келди ва ҳамма учун 8 фунту 40 пенс тўлади.**

**— Мен буни кутмагандим, кейин тушундимки, шундай бўлиши ҳам мумкин экан,— деди кассир Кэйт Кросби.— Мен у билан саломлашдим. У эса менга қараб «Салом, Кэйт» деди. У мендан метро яхши ишлаяптими, деб сўради. Мен ҳа, яхши ишлаяпти, дедим.**

**Тони Блэр метро вагонида 6 бекат йўл юриб, кейин «Вестминстер» бекатида тушиб қолди ва қолган йўлни пиёда юриб ўтди.**


**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 2 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади****

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 88,25 | 10 Люксембург франки | 35,71 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,47 | 1 Малайзия рингити | 36,16 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 225,23 | 1 Германия маркаси | 73,66 |
| 10 Бельгия франки | 35,71 | 1 Польша злотийси | 32,63 |
| 1 Голландия гульдени | 65,37 | 1 СДР | 191,11 |
| 10 Греция драхмаси | 4,37 | 1000 Туркия лираси | 0,29 |
| 1 Дания кронаси | 19,39 | 1 Финляндия маркаси | 24,23 |
| 1 БАА дирхами | 37,41 | 1 Франция франки | 21,96 |
| 1 АҚШ доллари | 137,40 | 1 Швейцария франки | 89,94 |
| 1 Миср фунти | 40,29 | 1 ЕВРО | 144,06 |
| 10 Испания песети | 8,66 | 10 Жанубий Корея вони | 1,15 |
| 100 Италия лираси | 7,44 | 10 Япония иенаси | 13,12 |
| 1 Канада доллари | 93,30 | 1 Россия рубли | 5,27 |
| 1 Хитой юани | 16,60 | 1 Украина гривнаси | 30,51 |

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# Бажонидил овоз берган эдим, ишончим оқландими?

Олий Мажлиснинг Президентлик лавозими ва парламент депутатлигига сайловларни ўтказиш ҳақидаги қарори муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир. Зеро, сайловлар мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тараққиётни юқори босқичга кўтариш ва демократияни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Сайловларнинг ўзига хос бир неча хусусиятлари мавжуд. Авваламбор улар ислоҳотларнинг ижобий самара бераётган, демократия пойдевори мустаҳкамланаётган, халқнинг сиёсий фаолияти ўсаётган даврнинг маҳсулидир. Ташаббускор гуруҳлар ташкил этилиб, депутатликка мустақил номзодларнинг кўрсатилиши ҳам томомила янгиликдир. У демократик сайловнинг ёрқин намунасидир. Шубҳасиз, умумхалқ сайловлари халқимизнинг сиёсий онги ва фаолиятини янада жўш урдириб янги зафарларга чорлайди. Шу боис жамоа аҳли Ватанга ва фуқаролик бурчига содиқ кишиларнинг номзодини кўрсатдилар. Айниқса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг номзоди эгаллаб турган лавозимига қайта тавсия этилиши зўр мамнуният ва хурсандчилик билан кутиб олинди. Чунки юртбошимиз Ўзбекистон мустақиллиги ва озодлигини тиклашда асосий ўринни эгаллади. Унинг ташаббуси ва бевосита қатнашувида миллий давлат, миллий қўшин, миллий бошқарув тизими шакллантирилди. У кўз ўнгимизда содир бўлаётган туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, оламшумул аҳамиятга молик ютуқларимизнинг меъморидир.

Юртбошимиз юз йиллар мобайнида дунёга бир маротаба келадиган буюк давлат арбобидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тарихга бир назар ташланса ҳам бас, раҳбарнинг мамлакат ва ўз халқи тақдирида нечоғли роль ўйнаши яққол кўринади. XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳлар давлати қудратли империя сифатида шуҳрат қозониб, катта бойлик ва кўп сонли қўшинга эга эди. Аммо унинг ҳукмдори Муҳаммадшоҳ умрининг охирги йилларида давлатни бошқаришга ожизлик қилди. Ҳатто у Чингизхон бошлиқ мўғуллар тажовузи вақтида ваҳимага тушиб қочиб кетди. Натижада мамлакатда тахт учун кураш ва пароканда лик ҳукм суриб, босқинчилар юз минглаб кишиларни қирди, шаҳар ва қишлоқларни харобага айлантирди. Катта имконият ва кучли қўшиндан фойдаланиб душманни тормор этиш аниқ эди. Бироқ халқнинг босқинчиларга қарши курашига бошчилик қиладиган моҳир раҳбар топилмади.

Халқ оммаси мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги даврида ҳам ватан мустақиллигини тиклаш учун курашни давом эттирди. Бироқ ғалабани ташкил этишга қодир йўлбошчи бўлмади.

Ниҳоят XIV асрнинг 50-60 йилларида Амир Темурнинг сиёсий майдонда пайдо бўлиши озодлик курашларида ғалабага эришишга умид туғдирди. Амир Темур ўзининг ақлидроки, жасорати, мардлиги, ватанга ва халққа содиқлиги билан элнинг ҳурмати ва иззатига сазовор бўлди. Мазлум халқ уни ўзининг халоскори сифатида қадрлаб атрофига жипслашди. Амир Темур халқнинг хоҳиш-иродаси ва курашига таяниб 1370 йилда мустақилликни тиклади. Аммо Амир Темур вафотидан кейинги 100 йил мобайнида унга ўхшаган ҳукмдор чиқмай Темурийлар давлати заифлашиб борди. XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон бошлиқ Олтин Ўрда кўчманчиларининг тажовузи вақтида уларга қарши қаратилган курашга билимдонлик билан бошчилик қиладиган ҳукмдор кўзга ташланмади. Бундан фойдаланган Шайбонийхон Туркистонни забт этди. Айрим олимлар Шайбонийхонни ижобий баҳолашга ҳаракат қилмоқдалар. Мен бунга тамомила қаршиман. Чунки у жаҳон узра донг чиқарган Темурийлар давлатини, фан ва маданият тараққиётини барбод этди. Сўнгра гўзалликда тенги йўқ тарихий обидалар харобага айлантирилди. Туркистон заминида марказлашган давлат йўқ қилиниб, у Бухоро, Хева ва Қўқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланди. Салкам 400 йил мобайнида учта майда ва ожиз хонликларни бирлаштириб ягона давлатни ташкил этишга қодир ҳукмдор топилмади. Аксинча ўша хонликлар юз йиллар мобайнида бир-бирининг «гўштини еб» ва хонавайрон қилиб турдилар. Туркистоннинг собиқ шонш-шуҳрати сўниб чўқур инқирозга мубтало бўлди. Бу ғоятда ачинарли ва фожиали ҳолат чор ҳукуматининг босқинчилик сиёсатига жуда қўл келиб, ҳарбий юришларни бошлади. Эрксевар ўзбек халқи мустақилликни ҳимоя этиш учун ёппасига қаҳрамонона жанг қилди. Унинг қони бамисоли дарё каби оқди, лекин ғалабани таъминлайдиган ақл-идрокли сардор топилмади. Масалан, мағлубиятга учратилган 1892, 1898 ва 1916 йилги миллий-озодлик курашлари, Туркистон мухторияти ва «Босмачи»лар ҳаракати шулар жумласидандир.

Натижада ваҳшиёна мустамлакачилик сиёсати 130 йил давом этиб, халқнинг талай қисми қириб ташланди, бойликлар аёвсиз таланди. Эътибор беряпсизми, кейинги 130 йил мустамлака аҳволида яшадик. Ниҳоят 1989 йилда муҳим воқеа рўй бериб, Ислом Каримов республика раҳбари этиб тайинланди. У ўзининг ақл-идроки, жасорати, мардлиги ва миллатпарварлиги туфайли обрў-эътибор қозонди. Шу пайтгача мазлум бўлиб келган халқнинг унга нисбатан ишончи ва умиди борган сари ошиб борди. Пировардида, Ўзбекистон мустақиллиги тикланади.[1]

Шундай қилиб кўрдикки, кейинги салкам 600 йил мобайнида ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган курашлари икки маротаба, яъни 1370 ва 1991 йилларда ғалаба билан тугалланди. Тарих саҳифаларига зар ҳарфлар билан битилган бу икки буюк ғалабанинг биринчиси Амир Темур, иккинчиси Президент Ислом Каримовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Мен бундай дейиш билан халқнинг жамиятдаги беқиёс катта ўрнини инкор этмоқчи эмасман. Бу ерда шуни эътиборда тутмоқдаманки, халқнинг хоҳиш-иродаси, мустақиллик ва тараққиёт учун кураши забардаст давлат раҳбари томонидан билимдонлик билан бошқарилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу ҳақиқат Амир Темур ва бизнинг кўз ўнгимизда Президент Ислом Каримов фаолиятида яққол гавдаланиб турибди, юқорида шарҳланган фикр-мулоҳазаларим 31 август кечасидаёқ юзага кела бошлаган эди. Тун бўйи бу воқеанинг моҳияти ва йўналишини англаш учун тарихий асарларни варақладим. Бу хусусдаги қарашларим қанчалик вақт ўтиши билан шунчалик ойдинлашиб бораверди. Улар кўп ўтмай биринчи Президентлик сайловининг ўтказилиши муносабати билан «сув юзига қалқиб чиқиб» Ислом Каримовнинг фаолиятига бўлган менинг баҳойимни белгилади. Шу равишда менда сайловолди дунёқарашим шаклланди. Кўпчилик қатори камина ҳам юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларимдан келиб чиққан ҳолда Президентимизга бажонидил овоз берган эдим. Сўнгра мазкур сайловолди фикр-мулоҳазаларим «Истиқлол учун бирлашайлик» номида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1991, 26 ноябрь ва 5 декабрь) чоп этилди. Унда юртимизга нисбатан бўлган сайловолди ишончим ва умидим қуйидагича таърифланган эди: «Яқинда «Известия» газетасида эълон қилинган мақолада Ўзбекистон сафдан узилиб қолган вагонга ўхшатилган. Бу билан мақола муаллифи вагон паравоздан, аниқроғи, марказдан ажралиб қолди, энди бир жойда қимирламай яккаланган ҳолда турaверади, — демоқчи шекилли. Йўқ, асло, бундай бўлмайди. Чунки кўп хилма-хил бойликларимизни узлуксиз тортиб кетаётган етти ёт бегона паравоздан ажралиб, қонимиз, танимиз ва тақдиримиз бир бўлмиш ўзимизнинг паравозимизга уландик. Бу паравоз Ўзбекистон аҳлини мустақиллик, эркинлик йўлида мардонавор бошлаб порлоқ келажак ва бахт сари боради. У жумҳуриятимизни қуршаб турган «Темир панжара»ни ёриб бизни гулхан майдонига ҳам олиб чиқади. Вақти келиб Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг элчихоналари очилади. Шу билан бирга ватанимизнинг вакиллари чет эл давлатларида фаолият кўрсатадилар. Қардош республикалар билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз юксалиб бораверади».

**Сайлов ва сайловчи**

Буни қарангки, қисқа вақтда юртбошимизнинг катта хизматлари туфайли Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ва ҳамдўстлик республикалари билан алоқалари ривожланиб кетди. Эндиликда Ўзбекистон байроғи жаҳон куррасида ҳилпираб турибди. Ўнлаб мамлакатларда элчихоналаримиз очилди. Ватанимизни билмаган давлат қолмади. Чунончи, ҳозирда Ўзбекистонни 170 га яқин давлат тан олди. Тошкентда 50га яқин элчихоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўша мақолада мустақилликнинг тарихий аҳамиятини изоҳлаш мақсадида совет давридаги зулмлар хусусида фикр-мулоҳазаларимни баён этган эдим. Шунингдек, ўтмишда мустақилликнинг барбод этилганлигининг сабаби ҳақида сўз юритилади. Бу тўғрида шундай ёзганман: — «Ўтмишда мустақилликни қўлдан бой бериш сабаблари ва бунинг ғоятда фожиали оқибатлари ҳамда келажакда унинг олдини олиш ҳақидаги айрим мулоҳазаларни баён этишдан мақсад ҳар бир ўз ватанига содиқ инсон уларни инобатга олиб Ўзбекистон Президентининг таянчи сифатида ватан ҳимояси учун ҳамиша тайёр туришга даъват этишдир. Агар тарихдан сабоқ олинмаса яна қулликка мубтало бўлиш ҳеч гап эмас».

Хўш, Президент Ислом Каримовни қувватлашга асос борми?

— Мен Ислом Каримов билан шахсан таниш эмасман. Лекин у кишининг фаолиятини тарихчи сифатида кузатиб келаётирман. Унинг фаолиятини, қилган ишларини тўла тасаввур қилиш учун, аввало, Шароф Рашидов вафоти (1983)дан кейинги йилларда ишлаган икки раҳбар даврида юзага келган вазиятни ёдга олмоқ зарур. Бу вақтларда Ўзбекистонда улуғ миллатчилик шовинизмининг янада кучайиши учун қулай шароит яратилди...

Шундай кескинлашган мураккаб шароитда Ислом Каримов сиёсий майдонга чиқди. Унинг давлат режа комиссияси, молия вазирлиги ва вилоят раҳбарлигидаги фаолияти даврида тўплаган тажрибаси муҳим эди. Чунки, иқтисод ва молияни яхши билганлигидан уни марказ тузоққа туширишнинг иложи йўқ эди. Республикага шундай кишининг раҳбар бўлиши сув билан ҳаводек зарур эди. Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбарликни бошлаганда унинг олдида ватанпарвар ва билимдон кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, Ўзбекистонни ботқоқликдан қутқариб, халқни эркин нафас олиши ва баракали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари турарди. Бу мураккаб ва оғир вазифани ҳали марказ сиртмоғидан чиқмасдан туриб амалга ошириш катта жасорат, матонат, билим ва юксак сиёсий маҳоратни талаб қиларди. Ислом Каримов қисқа вақт ичида мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал қилиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Вақт шуни кўрсатдики, юртбошимизнинг фаолияти борган сари жўш уриб, ғоятда муҳим масалалар ўз ечимини топди. Натижада тамомила янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузум ташкил этилиб, қалбаки «социализм»га қақшатқич зарба берилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар содир бўлди. Миллий фан ва маданият шаҳдам қадамлар билан олға бормоқда. Юртбошимизнинг Ўзбекистонни гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантиришга қаратилган ички ва ташқи сиёсати ўз самарасини бермоқда.

Сайловолди фикр-мулоҳазалар қуйидагича якунланган эди: «Хулоса шуки, жуда қисқа вақт ичида Ислом Каримов бошлиқ жумҳурият раҳбарияти халқ депутатлари ва зиёли вакилларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистонда мустамлакачилик сиртмоғининг занжирини узди, мустақиллик ва эркинлик йўлига отланди. Ҳозирда камчилик ва нуқсонларни рўкач қилабермай, «бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмасдан» қўлга киритилган тарихий ютуқларнинг барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун билиб, биргаликда мардонавор давом эттирайлик. Мен шахсан Ислом Каримовни ўзи бошлаган буюк ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман. Келинг азизлар, сиёсий, иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда Президент атрофида метиндек жипслашайлик. Тарих бизга қулиб боққан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой бериб қўймайлик».

Бундан салкам 8 йил муқаддам Президентимизга изҳор этган ишончимиз шу даражада оқландики, таърифлашга сўз ожизлик қилади. Энг муҳими миллати ва динидан қатъи назар барча халқлар юртбошимиз атрофига метиндек жипслашиб, бир тан-бир жон бўлиб кетилди. Шу кунларда сайлов муносабати билан юртбошимизнинг табаррук номлари зўр миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан тилга олинмоқда. Шахсан мен ўз юртбошимиз Ислом Каримовни Президентлик лавозимига қайта сайланишини тўла қувватлаб сўзсиз овоз беришга тайёрман. Чунки ҳозирда юргизилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг илҳомбахшлиги, ҳаётийлиги ва улкан самарадорлигининг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Ярим асрдан ортиқ давр мобайнида ўтмиш ва ҳозирги замон тарихи бўйича баҳоли-қудрат хизмат қилаётган кекса олим сифатида шуни айтмоқчиманки, биз ҳаммамиз бахтлиларнинг бахтлисимиз. Чунки, босқинчи золимларга саждa ва хизмат қилишдан, бойликларимиз ва молмулкимизнинг таланишидан, қуллик ва хўрланишлардан қутилдик. Динсизлик ва маънавий қашшоқликдан, таъқиб ва назоратлардан ҳоли бўлдик. Эндиликда озод, эркин ва ҳақ-ҳуқуқи таъминланган халқ сифатида дунёга танилдик. Ўзбекистон эса жаҳон харитасига битилди. Бундай ажойиб ва ғаройиб замонда яшаётганлигимизга минг қатла шукр қилиб, буюк давлат арбоби ва халқимизнинг халоскори Президентимизга яқдиллик билан овоз бериш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Эй Оллоҳ, юртбошимиз Ислом Каримовни ҳамиша ёмон кўзлардан асрагин!

***Ҳамид ЗИЁЕВ,***
***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор***

[1]*Ҳамид Зиёевнинг мустақиллик-нинг тикланиш жараёни, унинг моҳияти ва йўналишига умуман, ҳозирги замон тарихига бағишланган ишлари «Истиқлол-маънавият негизи» номида 1999 йилда нашр этилди. Ўқувчиларга у билан танишишни тавсия этамиз.*

***Таҳририят***

# Қалбни чоғлаб, белни боғлаб...

***Оллоҳ ғайратли одамни яхши кўради.***
***Ҳадисдан***

Ота қаддини кўтаришга интилди. Аммо йиллар заҳмати ўз ишини қилган, хасталик бўйин бергиси келмасди. У ирода кучи билан оғриқни енгди ва ўғлини чақиртирди.

— Яратганнинг, элнинг раҳматига ноил бўлгин деб, исмингни Абдураҳмат қўйганман, — гап бошлади ота. — Шукр, эсли-ҳушли бўлиб ўсаяпсан. Машрабдай улуғ зот илмнинг этагидан тутдим, деган экан. Сен илмни кўнглингга жо қил, халқнинг раҳматига эришаман десанг, юрагингдаги ғайрат сўнмасин. Қуёшга интилган гиёҳ тошни ёриб чиқади, дейдилар. Илм ҳам нурдир, болам!.

Ота ўгитларини жон қулоғи билан тинглаган Абдураҳмат ўша куни мактабга боролмади. Ипак қурти боқишар, барг етишмасди. Ҳамқишлоқларига қўшилиб, қўшни Сурхондарёдан тут барги олиб келишга кетди...

— Мен ирригация институтида ўқирдим, — эслайди ўша кунларни акаси Абдусалом. — Рўзғор ташвишлари Абдураҳматнинг елкасида эди. Отам тез-тез оғриб турарди. Отамиз раҳматли ҳаммамизнинг илм олишимиз тарафдори эдилар. Айниқса, Абдураҳматдан умиди катта эди.

Дарҳақиқат, бу зиёкорлар оиласи. Отаси Жума ака Боймуродов бутун умрини халқ маорифи тараққиётига бахшида қилди. Эллик олтинчи йилда ғишт қўйдириб, мактаб қурдирган ҳам, унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган ҳам шу киши эди. Бутун Ғузор тумани Навоий номли хўжалик ҳудудидаги Човка қишлоғида жойлашган 36-мактаб бутун умрини эзгулик сочишга сарфлаган инсон номи билан аталмоқда.

— Абдураҳмат акани ҳаммамиз яхши биламиз, — дейди мактабга борганимизда юқори синф ўқувчиси Искандар Жўраев. — Юртбошимиз биз ёшларни илмда етук бўлсин, деяптилар. Улғайгач, мен ҳам Абдураҳмат ака сингари иқтисодчи бўлмоқчиман.

— Дарахт дарахтга қараб бўйлайди, — дейди Жума Боймуродов номли мактаб директори Турсоат Маҳмудов. — Жума ака орзу қилган кунлар келди. Янги авлод камол топмоқда. Менга Жума ака иш ўргатган бўлсалар, ўғли Абдураҳмат менинг шогирдим. Ёшликдан ўта қобилиятли, ғайратшижоатга тўла эди. Мана, камолотга эришаяпти. Қишлоқдошлари у билан фахрланишади. У эл-юрт ишига содиқ. Ҳали катта ишларни кутишга ҳақлимиз...

Мен қишлоқ кўчаларидан хаёлан Абдураҳматнинг болалик изларини излайман. Санацияга тушган, ночор хўжалик... Ҳар томонга сочилган уйлар... Бир фидойи инсон эллигинчи йилларда қурдирган, йиллар юкига базўр чидаётган мактаб ёнида қурилиши бошланган чала бино... Абдураҳмат юзлаб тенгдошлари сингари ана шундай қишлоқда ўсиб, илмнинг этагидан тутган эди.

У мактабни битиргач, Тошкентдаги банк иқтисоди техникумида ўқиди. Икки йил ҳарбий хизматни ўтади. 1985 йилда республика Давлат банки Қашқадарё вилоят бошқармасида оддий иқтисодчи бўлиб иш бошлади. Қамтарлиги, иқтидори билан эътиборга тушди. Тошкент халқ хўжалиги иқтисодиёти институти молия-кредит куллиётининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, тўқсон биринчи йилда олий ихтисосни эгаллади. Банкларни бутун иқтисодиётнинг қон томирлари, деб атайдилар. Абдураҳмат бу тизимнинг етук мутахассисига айланди. Тўқсон иккинчи йилда ХДПга аъзо бўлиб кирди. 1994 йилда республика Марказий банки вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлай бошлади. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини битириб келгач, марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Абдураҳмат Боймуродов ишга янги келган кунларини яхши эслайман. Айрим банк ташкилотларида раҳбарлик бўшашган, қонун бузилишлар кўзга ташланаётган пайтлар эди. Газетамизда мен тайёрлаган, миллий банкнинг вилоят бўлимида жиноят юз бергани ҳақида танқидий мақола босилганди. Ўшанда ёш раҳбар мавжуд аҳволни тузатиш учун қанчалик қатъият кўрсатганининг гувоҳи бўлганман.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўринга эга бўлган Қашқадарёда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда, — дейди Абдураҳмат Боймуродов. — Уларни юзага чиқаришда банкларимиз фаол иштирок этаяпти. Масалан, Шаҳрисабздаги «Мевалар камалаги» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасининг ташкил топиши, «Қашқадарёмармар» бирлашмасига Италиядан замонавий ускуналар келтирилиши каби инвестиция дастурлари юзага чиқишида банкларимиз иштирок этишди. Шўртандаги улкан иншоот— газ ва кимё мажмуи қурилиши саноат-қурилиш банкимиз орқали маблағ билан таъминланмоқда. Ҳозир қайси ташкилотнинг банкларда маблағи бўлса, бемалол ишлатаверади. Нақд пул тушуми анча яхшиланди. Чунки савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик кучайган. Ҳозир вилоят халқ хўжалигида 6 миллиард сўмдан ошиқ кредит айланмоқда. Биргина кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга 1 миллиард 262 миллион сўмдан ошиқ кредит бердик. Энди банк тизимини такомиллаштиришга келсак, талаб қатъий қўйилмоқда. Иш бошига янгича фикрлайдиган, ҳамкорликни фаолият мезони қилиб оладиган раҳбарлар келишмоқда. Бу ҳам — ҳаёт талаби.



**Орамиздаги одамлар**

— Ишингиздаги яхши ўзгаришларни кўриб турибмиз.

— Ёшликдан Шаҳрисабзга, унинг ўлмас ёдгорликлари, меҳнатсевар, юксак салоҳиятли одамларига меҳр қўйиб келдим, — дейди Абдураҳмат Боймуродов. — Академияда таҳсил олаётганимда тарихимизни, хусусан улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг юрт-улус олдидаги буюк хизматларини қизиқиб ўрганганман. Бугунги Шаҳрисабз — саноат, фан-маданият тараққий топаётган шаҳар. Энди фикримни сўрасангиз, ҳамиша эл-юрт олдида қарздорлик ҳисси билан яшайман. Ён дафтаримга кўчириб олган, қалбимдан жой олган юртбошимизнинг ушбу сўзларини айтишга эҳтиёж сезаяпман: «Барчамизнинг саъй-ҳаракатларимиз, интилишларимиз, ақл-заковатимиз мана шу заҳматкаш ва бағри кенг халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада ёруғ кунларга олиб чиқишга қаратилган».

Янада ёруғ кунлар, ёруғ манзиллар... Бундай кунларга етиш учун халқимизнинг юзлаб, минглаб асл фарзандлари белни маҳкам боғлашган. Улар сафида эндигина ўттиз олти ёшни қоралаган, аммо ўзлиги ва иқтидорини кўрсатишга, элу юртга хизмат қилишга чоғланган инсон ҳам борлигини самимий эътироф этгим келади. Зеро, ундаги ёшлик шижоати ва ўзига хос заковат келгусидаги ибратли ишлар даракчисидир.

***Юнус УЗОҚОВ,***
***Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист***

# Насиб этса

*Мутолаа гурунгга айланди.*

Кейинги 6-7 йилдан бери пахта тайёрлаш шартномавий режаларини бажаролмай юзлари шувут бўлиб келаётган жиззахлик пахтакорларнинг бу йилги шаҳди баланд. Далаларда ҳар куни 250 дан ортиқ терим машиналари, 141 минг нафардан зиёд теримчи жавлон урмоқда. Пахтакорларга ҳақ тўлашнинг адолатли ҳал этилганлиги бунга сабаб бўлмоқда.

«Пахта банк» вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Маликшоҳ Юсуповнинг айтишича, теримга жами 1 миллиард 762 миллион сўмдан кўпроқ нақд пул ажратилган. Шундан 1 миллиард 759 миллион сўми қўл терими учун, 3 миллион сўмдан сал кўпроғи эса машина терими учундир.

Тегишли тартибда нақд пул ажратиш масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони эса ажратилган шу пул маблағларининг ҳақиқий эгалари қўлига вақтида бориб тегаётганлигида. Вилоятда ҳамда туманларда шу мақсадда тажрибали мутахассислардан иборат терим учун тўловларни назорат қилувчи 10 та ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Улар кассирлар ёки пул тарқатувчилар фаолиятини мунтазам назорат қилиб туришибди. Ҳозирча бу

# Оқ пахтанинг

Тошкент вилояти пахтакорлари ҳам бугун 280 минг тонналик хирмон яратиб, ёруғ юз билан зафар маррасига етиб келдилар. Ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосилдорлик 27 центнерни ташкил этди. Хирмонга вилоятда биринчи бўлиб шартномавий режани уддалаган Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл, Бекобод, Пскент, Ўрта Чирчиқ тумани пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар.

Қадим-қадимлардан ҳам ота-боболаримиз тупроғи тилло юртимизнинг сахий табиати, беназир гўзаллиги ҳамда меҳнатсевар, мард ва танти бободеҳқонлари ҳақида нурланиб гапирганлар. Зеро, қилинган савоб, амалга оширилган хайрли иш, юз очган ҳақиқат, айтилган ҳикмат изсиз кетиши мумкин эмас. Юк кўтарганни юзага чиқариш биз қаламкашларга ҳам жиддий масъулият юклайди.

Айниқса, ўзинг туғилиб, камол топган юртнинг меҳнат аҳли бир қалқиб оёққа турса, қадим шуҳратига, ўзлигига қайтса сен ҳам терингга сиғмай кетаркансан. Қўлингда қалқиб турган қалам оқ қоғозга эмас, юрагинг ялпоғига қувонч қадаётгандек туюларкан кишига.

Оқ пахтанинг ороми... Бу сўзни айтиш осон. Аммо оқ пахтанинг оромини туйғунча қанча машаққатлар, уйқусиз тунлар ёлғиз пахтакорнинг ўзигагина аён.

Республикамизда учинчи бўлиб маррага етгунча Тошкент вилояти пахтакорлари талайгина заҳматни бошдан кечирдилар. Қолаверса, улар бу қутлуғ кунни узоқ йиллар кутдилар. Ва ниҳоят етти ўйлаб тузилган тадбир, бамаслаҳат қилинган иш, оқилона бошқарув бутун вилоят меҳнат аҳлининг юзларини ёруғ қилди.

Пахта терими арафасида Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоада вилоят ёшлари ҳамда улар тарбияси учун масъул раҳбарлар билан вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов очиқ мулоқот ўтказди. Сўзга чиққанлар дилида борини тўкдилар. Ошкора саволларга берилган жаволлар ҳам мардона бўлди. Йиғилиш якунида Уммат аканинг қуйиб-ёниб билдирган фикрлари ҳамон қулоғимиз остида жаранглаб турибди:

— Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов халққа рост сўзни, бор гапни айтишимизни, бойлик осмондан ёғилмаслигини, ҳалол меҳнат кишисининг насибаси бут бўлиши, мустақил юрт ҳимоясининг асосида ҳам фидойилик билан қилинган меҳнат ётишини доимо таъкидлайдилар.

Ёшларимиз шу нарсани тушуниб етишлари керакки, ҳар қандай ривожланган юрт фуқароси ўзини ўзи боқади. Албатта, пойтахт вилоятининг қадим шуҳратини тиклаш учун бор имкониятларни ишга солаяпмиз.

— Биласизларми, — дейди ҳоким сўзини давом эттириб, — ерга қадаб қўйилган ниҳол қистовни хуш кўрмайди. Унинг ер, сув, қуёшдан оладиган озуғининг, инсондан оладиган меҳрнинг ўлчови бор. Муҳими республика қишлоқ хўжалиги мутасаддилари ҳам, ҳеч ким бизни теримга шошилтирганини йўқ. Ҳамма нарсани ўз ихтиёримизга қўйиб беришди.

Дарҳақиқат, вилоят ҳокими ҳақ гапни айтди. Ҳар қандай тажриба амалиётда ўзини оқласагина, ўзгалар уни тан олади. Республикамизда пахта терими айни авжига чиққан пайтда Тошкент вилояти пахтакорлари теримни эндигина бошлаган эди. Аммо, кўзланган марра қарийб бир ойда забт этилди.

Вилоятнинг қатор туманларида шунга амин бўлдикки, ҳосилнинг мўли, нафақат кўзга қувонч, балки дилга ишонч ҳам солар экан. Пахтазор оралаб бирор-бир юртдошимизнинг қовоқ уйиб пахта тераётганини кўрганимиз йўқ. Чунки, эгилган одамнинг этаги тўлиб тургандан кейин, ҳалол меҳнатнинг ҳақини жойида санаб олгандан кейин инсоннинг чеҳраси ҳам тераётган пахтасидек очилиб кетар экан.

— Оққўрғонликлар ҳали ўз тарихида 42 минг тоннадан зиёд пахта хирмони уймаганлар, — дейди туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоев.

1 2

*Ислоҳот ва масъулият*

# Манфаатдорлик — аниқ маром омили

Одамлар ўрганиб қолишди — мамлакат бўйлаб таралаётган хушхабарлар албатта, Андижон томонлардан ибтидосини олади. Бундай дейишимизнинг сабаби шуки, гоҳ ғаллакорлар, гоҳ сабзавоткорлар мамлакатда биринчи бўлиб шартнома шартларини бажарадилар. Пахтачиликдаку инчунун. Бу соҳада йиллик режани бу йил Асака тумани пахтакорлари республикада биринчи бўлиб уддаладилар. Андижон вилояти деҳқонлари эса ҳамишадаги анъанани давом эттириб, мўлжални аниқ олдилар.

Бу ерда яна шу нарса анъанага айланиб қолганки, деҳқонларни улкан ғалаба билан биринчи бўлиб пахта тозаловчилар, ундан кейин чигитни қайта ишловчилар табриклайдилар. Чунки, уларнинг асосий хомашёси, тирикчилик манбаи пахта билан боғлиқ-да. Шу боис ҳам Асака тумани пахтакорларини меҳнат ғалабаси билан аввал пахта тозаловчилар, ундан сўнг «Асака ёғ» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари қизғин қутлашди.

Гўзал гўшалардан бири саналмиш Асака ҳақиқатдан ҳам янгиликлар маконига айланиб қолган. Ўтган саккиз йил ичида Асака шаҳрида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Айнан шу шаҳар Ўзбекистон автомобиль саноатининг марказига айланди.

Бугунги кунда Асакада «Уздонгвон», «Фам» сингари яна бир қатор қўшма корхоналар ҳам муваффақиятли ишлаб турибди. Лекин Асакада шундай «эски» корхоналар ҳам борки, улар шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келган. «Асака ёғ» ҳиссадорлик жамияти эса шаҳар саноатининг тўнғич корхоналаридан биридир.

Асака ёғ заводининг тарихи узоқларга бориб тақалади. Бундан 86 йил аввал, яъни 1913 йилда қўқонлик тадбиркор Або Симхаев Асакада ёғ заводи ташкил этганди. Дастлаб корхона ўзининг 6 та гидропрессида иш юритиб, бир кеча-кундузда 6-6,5 тонна ёғ ишлаб чиқарарди. Йилига эса 1200 тонна маҳсулот тайёрланарди. 1930 йилга келиб эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кунига 20-25 тоннага етди.

Бундан 25 йиллар аввал бу ерда янги форпресс цехига қўшимча ЕТР-20 пресслари ўрнатилди. Тайёрлов цехи ҳам таъмирланди. 1988 йилда эса экстракция цехидаги буғловчи шнек Польшада тайёрланган «Тостер» қурилмаси билан алмаштирилди. Тайёрлов цехига эса Германиянинг Магдебург шаҳридаги «СКЕТ» фирмасида тайёрланган шелуха ажратувчи сепараторлар ўрнатилди. Ўн минг тонна чигит сақланадиган омбор қурилди. Амалга оширилган бу тадбирлар корхона қувватини оширишга хизмат қилди. Айтиш керакки, бунинг натижасида кунига 520 тонна ўрнига 580 тонна чигитни қайта ишлаш имконияти туғилди.

Бундан ўн йил илгари эса форпресс цехини янги технология асосида қуришга киришилди. Ушбу цех учун Германиядан янги технологик линиялар келтирилди. «Урал» русумидаги бостирма ва чигит омбори қурилдики, бу билан омборлар сиғими кенгайди.

Илгарилари тайёр маҳсулотлар марказдан бериладиган махсус топшириқлар асосида турли жойларга жўнатиларди. Узоқ йиллар давомида пахта ёғи у ёқда турсин, ҳатто кунжара ва шелуха ҳам турли ўлкаларга жўнатиларди. Заводдан чиққан кунжара Болтиқбўйи республикаларига, ҳатто узоқ Кубага қатъий режа асосида юборилади. Пахта ёғи эса марказ эҳтиёжлари қондирилгандан сўнггина маҳаллий савдога чиқариларди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бундай ҳолларга барҳам берилди. Ўз маҳсулотимиздан ўзимиз баҳраманд бўла бошладик. Мутахассисларимиз эса дунёнинг ривожланган мамлакатларига бориб тажриба ўрганишяпти. Шундан сўнг корхонада янада катта технологик ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада завод қуввати кунига 580 тонна ўрнига 620 тонна чигитни қайта ишлаш даражасига етди.

— Ҳозирги пайтда биз яхши анъаналарни давом эттирмоқдамиз, — дейди «Асака ёғ» акциядорлик жамияти раиси Сойибжон Кўчқоров. — Истиқлол эпкинлари ишчи-хизматчиларимизнинг онгига ижобий таъсир кўрсатди. Шу боис ҳам корхонамиздагилар ҳамиша изланишда. Чунончи, экстракция цехида технологик жараёнлар учун ишлатиладиган экстра бензин сарфини камайтиришга қаратилган бир қатор ишланмалар жорий этилди. Бунинг учун дефлеграция тизими тубдан ўзгартирилди, эски қувурлар янгиланди. Бошқача қилиб айтганда, бир тонна чигитни қайта ишлашга аввалари 9 килограмм экстра бензин сарфланган бўлса, энди 3,2 килограмм ишлатиляпти.

Корхона жамоаси электр энергия, хомашё ресурсларини тежаб қолиш йўли билан кўпроқ фойда олиш пайида. Бунинг учун ҳам кўпгина технологик жараёнлар ўзлаштирилди. Масалан, буғ қозонларини олайлик. Аввалари ёғ ишлаб чиқариш учун зарур буғ 6,5 тонналик 5 та қозонда тайёрланар эди. Бу эса ўз навбатида харажатларни анча кўпайтирарди. Бунга барҳам бериш мақсадида кенг сиғимли битта буғ қозони ўрнатиш мақсадга мувофиқ, деган қарорга келинди. Шундан сўнг Россия Федерациясидан соатига 25 тонна сув буғи ишлаб чиқарадиган қозон келтирилиб, у қисқа муддатда ўрнатилди ва ишга туширилди.

Ёғ саноати корхоналарида чиқинди ҳисобланган соупасток таркибида кирни табиий равишда кетказиш учун керакли кимёвий бирикмалар мавжудлиги аллақачон аниқланган. Республика Фанлар академиясининг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ўша соупастокдан саноат асосида ювиш воситалари тайёрлаш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Лаборатория шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот синовлардан муваффақиятли ўтди. Яқин келажакда ихчам идишларга қадоқланган янги маҳсулот сотувга чиқарилади.

Бундан қарийб икки йил аввал корхонани таъмирлаш пайтида тайёрлов цехида чигит мағзи таркибидаги шелуха қипиқларини ажратувчи элак ўрнатилди. Янги элак ёрдамида чигит мағзидаги шелухалар ажратилиб, янчилманинг сифати яхшиланди. Натижада сифатли ёғли кунжара олиниб, форпресс цехидан чиқаётган оқланмаган ёғ миқдори кўпайди.

Форпресс цехида Германиядан келтирилган иккита замонавий «Г-24» русумли ёғ сиқиб олувчи пресс ўрнатилиши туфайли тозаланмаган ёғ чиқишининг миқдори ортишига, кунжара сифатининг яхшиланишига хизмат қиляпти.

Форпресс цехидан чиқаётган ёғли кунжаранинг экстракция цехига майдаланмай етиши учун узатиш қурилмаси ишга туширилди. Иш жараёни такомиллашиб мароми тезлашди. Технологик такомиллаштириш экстракция цехида давом эттирилди. Ушбу цехдаги совутиш аппаратлари тизими қайта қурилди. Шунинг эвазига ёғли кунжарадан тозаланмаган техник ёғ олишга сарфланадиган экстра бензинни тежашга эришилди.

1995 йилда механика цехи қурилиши поёнига етказилди. Энг муҳими, бу цехдаги замонавий дастгоҳлар ёрдамида бошқа цехлардаги технологик қувватлар учун эҳтиёт қисмларни тайёрлаш имконияти вужудга келди. Оддийгина бир механизм учун вақт сарфлаб бошқа жойга боришнинг ҳожати йўқ. Қолаверса, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар сифатлилиги, пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Чунки уларни корхона мутахассислари билан ҳамкорликда тажрибали, малакали усталар тайёрлаяпти.

Корхонада иқтисодий ислоҳотлар жадаллик билан олиб бориляпти. Чунончи, бу ерда мулк шаклининг ўзгартирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Яъни, 1995 йили корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Энди корхона тақдири жамоанинг тадбиркорлигига, ишчиларнинг сидқидилдан меҳнат қилишларига боғлиқ бўлиб қолди.

1 миллион 347 минг сўмлик акциялар ишчи-ходимларга сотилди. Ҳозир ишчи ҳам, муҳандис-техник ходим ҳам акциядор сифатида қандай манфаат кўришини яхши билади. Биргина 1998 йил натижаларига назар ташлайлик. Номинал қиймати 200 сўм бўлган акцияларнинг ҳар бирига 97 сўмдан дивиденд тўланди. Бундан ташқари ўртача ойлик маош 12 минг сўмдан ошди.

Умуман олганда, бу йил корхонада 472 миллион 659 минг сўмлик ўрнига 612 миллион 472 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1998 йилда эса соф даромад 54 миллион 372 минг сўмни ташкил этди. Шу боис ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 800 дан зиёд ишчи-хизматчининг даромади ошиб бормоқда.

Бу йилги натижалар ҳам ёмон эмас. Тўққиз ойда режадаги 4863 тонна ўрнига 5123 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. 3820 тонна оҳорланган ёғ тайёрланди. 19 минг тонна ўрнига 27063 тонна чигит қайта ишланди.

Ҳозирги пайтда дунёда бир қанча экинлардан ёғ олиш йўлга қўйилганлиги ҳаммага маълум. Ушбу корхонада эса фақат пахта чигитидан ёғ олиб келинган. Кейинги пайтда бу ерда хомашё турларини кўпайтиришга ҳам катта эътибор берилаётир. Чунончи, соя донидан сифатли, экологик тоза ёғ олиш мумкинлиги маълум. Шунинг учун Америка Қўшма Штатларидан шу йил бошларида 10 минг тонна соя дони келтирилди. Айни пайтда бу хомашё қайта ишланмоқда. Соя ёғи сифатли бўлиши билан бирга унинг шроти ҳам чорва моллари учун тўйимли озуқадир.

Ана шуни ҳисобга олиб, корхона мутахассислари изланишларни давом эттиришмоқда. Ахир соя донини океан ортидан Асакага келтириш ўта мушкул ва қимматга тушадиган иш-да. Яқин келажакда бу муаммони ҳал қилиш учун аниқ тадбирлар амалга оширилади. Бунинг учун шу йил ёзида Избоскан туманидаги ғалла экинларидан бўшаган майдонлардан юз гектарига соя уруғи экилди. Айни пайтда ҳосил пишиб етилди. Ҳосилнинг чўғи баланд. Муҳими, соя учун алоҳида ер ажратишнинг ҳожати йўқ. Шу боис корхона аҳли яқин келажакда кўплаб майдонларга соя экишни йўлга қўйишмоқчи.

Ҳиссадорлик жамиятида кўпчиликка ўрнак кўрсатиб, астойдил меҳнат қилаётганлар талайгина. Масалан, Ҳалимжон Иминов, Худойберди Қосимов, Галина Курбонова, Ҳайитбой Абдумаликов, Илҳом Турсунов, Обидахон Нодирова корхонанинг фахри ҳисобланадилар.

Бугунги кунда ҳиссадорлик жамияти ҳузурида кўплаб кичик корхоналар ҳам фаолият кўрсатаётганлиги қувончлидир. Масалан, «Мой» саноат-савдо хизмати марказида тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш цехлари мавжуд. Ҳар икки цехда 27 киши меҳнат қилмоқда. Цехда ишчи коржомалари тикилмоқда. Бу ерда шу йилнинг 9 ойи ичида 2 миллион 401,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пойабзал ишлаб чиқариш кичик корхонасида эса кирза этиклар тайёрланмоқда.

«Саодат» кичик корхонасида бетон блоклари, қоришмалари тайёрланади. Эътиборли томони шундаки, кичик корхона маҳсулотлари бошқа жойлардагидан анча арзон.

Ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўзларининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Бу ерда чорва озуқаси сероб бўлганлиги учун 82 бош қорамол, 37 та қўй боқилаётир. Иссиқхонада эса лимон етиштирилаётир. 50 та асалари уясидан 1000 килограмм табиий асал олинди. Корхона ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ишчиларнинг ўзларига тарқатилмоқда.

— Халқимизда «яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган нақл бор,— дейди биз билан суҳбатда корхона касаба уюшмасининг раиси Абдуллажон Мирзаев. — Айни пайтда бизда 300 ўринли маданият уйи ишлаб турибди. Корхонамиз тарихидан ҳикоя қилувчи ажойиб музейимиз бор. 6500 нусха китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонамиз ҳамиша гавжум . Маданият уйида «Шаҳнозалар» бадиий ҳаваскорлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун 280 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди. Аёллар йилида хотин-қизларга бўлган ғамхўрликни ошираётирмиз.

Ҳуллас, «Асака ёғ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси эртанги кунга ишонч билан қараб меҳнат қилмоқда. Одамлар кун сайин янгиданянги ўзгаришларга пешвоз чиқишлари билан бирга, янгиликларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда ўзлари ҳам фаол иштирок этаётирлар. Ўйлаймизки, ушбу жамоа аъзолари ўзларининг сифатли маҳсулотлари билан халқимиз эътиборини қозонаверади.

*Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,*
*Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбирлари*

Суратларда: корхона цехларидаги меҳнат жараёнлари.

# қолоқликдан чиқишади

*«Пахта-99»*

## Бунда банкирларнинг ҳам ҳиссаси бор

— Қолаверса, машинада пахта териш режасини ҳам республикамизда биринчилардан бўлиб ўринлатиб қўйдилар. «Кейс» русумли пахта териш машинасида Саидвали Абдуллаев 660 тонна, Деҳқонбой Қозоқбоев 650 тонна пахта тердилар. Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасидан Ҳурматой Боймоқова оиласи 3 гектар майдонда пудрат усулида пахта етиштириб, ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олишга эришди. Олинган 18 тонна ҳосилнинг 5 тоннасини Ҳурматой Боймоқованинг ўзи, қолганини 4 нафар оила аъзолари териб олдилар.

## ороми

Шунингдек, пудратчилар Тамара Қушмонова, Холида Қодирова, Нафиса Умароваларнинг етиштирган пахта ҳосиллари 46-50 центнерни ташкил этди. Туманнинг «Озод», «Ўзбекистон», «Маданият», Охунбобоев номли хўжалик аъзоларининг фидойиликлари бугун ҳар қандай мақтовга ярашиқли.

— Америкаликлар пахтани бир марта териб олишади, деган гап бор. Бу йилги тажрибани такомиллаштириб, ўзимизда ҳам бунга эришса бўлар экан, — дейди туман машина трактор парки давлат ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Турғун Ҳасанов — Тўлиқ очилган пахтазорда пахтани фақат «Кейс»да териш керак экан. Чунки борада бирон-бир жиддий камчилик аниқланганги йўқ. Ажратилган нақд пул маблағлари теримчиларга белгиланган тартибда кечиктирилмасдан тарқатиб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш учун «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада айниқса «Пахта банк»нинг Дўстлик, Жиззах, Мирзачўл туманларидаги бўлимлари ишидан пахтакорлар мамнун бўлишаяпти.

Масалан, Дўстлик туманидаги Гагарин номли 14-ўрта мактаб муаллимаси Эдигул Элова ҳам улардан хурсандлигини изҳор этди. У ҳар куни оиласи билан 200-250 килограммдан пахта териб топширмоқда. Бу оила уйган хирмон 14 тоннадан ошиб кетди ва ҳозиргача 100 минг сўмга яқин пул олди.

Насиб этса, яна саноқли кунлардан сўнг жиззахлик пахтакорлар режани бажарадилар. Шубҳасиз, бу катта муваффақиятда ўз ишларини ҳукуматимизнинг юқоридаги қарори асосида ташкил қилиб, мавсумда терилган ҳосил учун маблағ етмай қолишига, тўловлар жараёнида узилишлар бўлишига ёки ажратилган нақд пулнинг эгаси қўлига бориб етмаслигига йўл қўймаслик учун туну кун ишлаётган банкирларнинг ҳам арзигулик улушлари бўлади.

*Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*



*Мия чарҳи. Ҳурсанбек АРАББОЕВ олган сурат*

— Қолаверса, машинада пахта териш режасини ҳам республикамизда биринчилардан бўлиб ўринлатиб қўйдилар. «Кейс» русумли пахта териш машинасида Саидвали Абдуллаев 660 тонна, Деҳқонбой Қозоқбоев 650 тонна пахта тердилар. Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасидан Ҳурматой Боймоқова оиласи 3 гектар майдонда пудрат усулида пахта етиштириб, ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олишга эришди. Олинган 18 тонна ҳосилнинг 5 тоннасини Ҳурматой Боймоқованинг ўзи, қолганини 4 нафар оила аъзолари териб олдилар.

Шунингдек, пудратчилар Тамара Қушмонова, Холида Қодирова, Нафиса Умароваларнинг етиштирган пахта ҳосиллари 46-50 центнерни ташкил этди. Туманнинг «Озод», «Ўзбекистон», «Маданият», Охунбобоев номли хўжалик аъзоларининг фидойиликлари бугун ҳар қандай мақтовга ярашиқли.

— Америкаликлар пахтани бир марта териб олишади, деган гап бор. Бу йилги тажрибани такомиллаштириб, ўзимизда ҳам бунга эришса бўлар экан, — дейди туман машина трактор парки давлат ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Турғун Ҳасанов — Тўлиқ очилган пахтазорда пахтани фақат «Кейс»да териш керак экан. Чунки қўлда ҳам бунчалик тоза териш қийин.

Хориждан келтирилган ушбу техникалар ҳақида айрим ўзбилармонлар пахтазор бошига келмасдан, кўз билан кўриб, қўл билан тутмасдан тушида валдираган одамдек ғудраниб юришдан ўзларини тийишлари керак. Чунки, кўнгилдаги тоза тилаклар, покиза ҳавасга йўғрилган орзулар инсонни ёруғ йўлга бошлайди. Саккиз йил муқаддам ўзимизнинг енгил автомашиналаримизга эга бўламиз деган хаёл етти ухлаб тушимизга кирмасди. Ажаб эмас, очилаётган катта имкониятлар бизга «Кейс»дан-да яхши, ундан-да улуғвор машиналар яратиш бахтига мушарраф этса.

Пскент Тошкент вилоятининг ўзига хос гўзал гўшаси. Анча йиллар пахта териш режасини бажаролмай келаётган пскентликлар бу йил вилоятда учинчи бўлиб ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Туман ҳокимининг ўринбосари Муҳаммаджон Мусаев йигирма иш кунида 3200 тоннадан ошиқ пахта топшириб, туманда биринчи бўлиб режани бажариб қўйган Охунбобоев номли жамоа хўжалигига йўл бошлади. Хўжалик бошқарувининг раиси Облаёр Абдураҳмонов ҳузурида энди суҳбатни бошлаган ҳам эдикки, хонага икки нуроний кириб келишди.

— Болам, бугун жума номозида ҳаққингизга дуолар ўқилди, — деди улардан бири. — Қишлоғимиз қарияларидан биздан ўзларининг саломлари, қутловларини сизга етказишимизни сўрашди. Элчи бўлиб келдик. Кўп раҳмат сизга, ўғлим, беш йилдан бери на пахта, на ғалла, на бошқа экинларнинг режаси бажарилган эмас. Ўтган йили пахтадан бор-йўғи 8-9 центнердан ҳосил олган эдик. Саккиз ойдаёқ юзимизни ёруғ қилдингиз, одамларнинг қўли пул кўрди. Қоплаб ғалла олишди. Бутун «Сайид» қишлоғида ҳамманинг оғзида дув-дув гап. Бу йилги пахтадан хўжалигимиз 60 миллион соф даромад олаётган эмиш. Барака топинг, раис. Иш деган бундай бўлибди. Нуқул «еримизни шўр босиб кетган, ўт босиб кетган, бу жойлардан ҳосил олиб бўлмайди» дейишарди. Худога шукр, айб ерда эмас экан-ку. Ишласа бўлар экан-ку! Қани, қўлингизни очинг, илоҳо омин, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, қут-баракага кўз тегмасин. Жамоамиз аъзоларининг эл-юрт олдида ҳамиша юзлари ёруғ бўлсин!

Отахонларнинг хуш дуоларидан дилимиз ёришиб кетди. Исми-шарифларини сўрадик. Эргаш ота Каримов 81 ёшда эканлар. «Бу дунёнинг барча азобларини кўрганман», дейди у. Озод кунларга етганларига шукр қиладилар. Пиру бадавлат. Йўлдошхон Икромов эса 76 ёшда эканлар. Қишлоқ фахрийлар кенгашининг раиси.

Улар қалбларимизга нур сочиб, хайрлашиб чиқиб кетдилар. Раис билан суҳбатимиз яхши қўр олди. Облаёр Абдураҳмонов шу йилнинг бошида хўжаликни қабул қилиб олган. Бир сўз билан айтганда ўзига ишониб, одамларни ишонтириб, меҳнат интизоми, ҳисоб-китобни ўрнига қўйиб, ерга муҳаббат билан қараб, ҳар ишда шахсий намуна кўрсатиб меҳнат қилган. Шу боис, ғолиблик шоҳсупасида, эл-юрт назар-эътиборида. Пскент туманида «Ўзбекистон мустақиллиги», «Туркистон», И. Ҳайдаров номли хўжаликлар ҳам режаларини биринчилардан бўлиб ошириб адо этдилар.

Вилоятимизнинг фидойи пахтакорлари ҳар бир туманда, ҳар бир хўжаликда бор, албатта. Яхши одамлар, яхши ишлар, оқил раҳбарлар, меҳнатидан завқ туйиб чеҳраси қуёшдек порлаб турган бободеҳқонлар ҳақида ҳар қанча сўз айтсак арзийди. Тошкент вилояти пахтакорларининг эзгу орзулари рўёбга чиқди. Вилоят қадим шуҳратига, ўзлигига қайтяпти. Иншооллоҳ бу юксалиш ҳамишаликка бўлгай. Пахтакорларимизнинг қўлларидаги қадоқларини оқ пахтанинг ороми силагай. Зеро, бу дунёда ҳалол меҳнат нонидан тотли, оромидан хуш ором йўқ.

*Маҳмуд ТОИРОВ*


# Андижон Давлат университети

**Қуйидаги мутахассисликлар бўйича АСПИРАНТУРА ва ДОКТОРАНТУРАга танлов эълон қилади**

**Аспирантурага**

- Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси (2 ўрин).
- Ватан тарихи (2 ўрин).
- Диэлектик тарихий материализм (1 ўрин).
- Замонавий миллий адабиёт (2 ўрин).

**Докторантурага**

- Ватан тарихи (1 ўрин)

*Аспирантурага кириш учун фалсафа ва фан методологияси, Ватан тарихи, чет тили (инглиз, немис, француз), мутахассислик фанлари бўйича имтиҳон топширадилар.*

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 20 ноябргача қабул қилинади.**

Мурожаат учун университет манзили: Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. 5-йўналишдаги таксиларнинг «Университет» бекати тел: 25-08-31. Илмий бўлим 304-хона.



**Азиз юртдошлар, ҳурматли меҳмонлар!**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» «Visa International» халқаро тўлов тизими, пластик карточкадан пулингизни валюта тариқасида олишингизга ёрдам беради!**

Маълумотлар учун телефонлар: 34-65-42, 133-63-54

# Кўнгли осмон одамлар

*Уммат бобо Жиззах туманидаги Моргузар тоғларида қўй боқарди. Чўпон таёғи ортидан рўзғор тебратаётган отахон болаларини ҳам ёнига олди. Пойчасини тиконлар тирнаган ўспирин бола илк бор жоннинг ширинлигини англади. Инсон танасига кичкинагина зирапча кирса ҳам оғриқ беришини билди. Балки ўша пайтлар одамларнинг дардига малҳам қўйғувчи дўхтир бўлиш орзуси Эргаш акада туғилгандир. Ўғлининг улкан ниятларидан Уммат бобо ҳам хурсанд бўлди. Ахир оилага ҳам дўхтир керак-да.*

*Орзу Эргаш акани Жиззах тиббиёт билим юртига етаклади. 1974 йилда фельдшерлик факультетини тугатди. Ўз соҳасини мукаммал эгаллаш мақсадида Тошкент Тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Илм олишга бўлган иштиёқ, касбига масъулият билан ёндашиш институтнинг лор кафедраси мудири Абдумалик Маҳмудовнинг назаридан четда қолмади. Эргаш Отабоевга устозлик қилди. Кейинчалик мутахассис тайёрловчи клиник ординатурада икки йил таҳсил олди. Ҳозирги кунда Самарқанд Тиббиёт институти ректори Акром Мўминовдан ҳам назарий, ҳам амалий иш ўрганди. Республикадаги йирик мутахассисларга шогирд тушиш ҳар бир талабага ҳам насиб этавермайди.*

**— Эргаш ака, тиббиётни ислоҳ қилиш бозор иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири эканлиги сир эмас. Сиз фаолият кўрсатаётган Жиззах вилоят касалхонасини тезкор ёрдам клиникасига айлантирилаётгани ҳам ислоҳотлар натижаси. Сизнинг тасаввурингизда тезкор ёрдам қандай бўлади?**

— Даволаш муассасаларини хусусийлаштириш, кафолатли табобатни жорий этиш ўта муҳим масала. Ҳозирги кунда ҳам пуллик даволаш барча касалхоналарда мавжуд. Лекин кафолат бергувчи дўхтир йўқ. Шифо топгани келган одам соғайишининг кафолатини олиши керак. Вилоят касалхонасининг тез ёрдам клиникасига айлантирилаётгани давр талаби. Ҳозирги кунда керакли жиҳозлар билан таъминлаш, даволашга қулайлик яратиш учун таъмирлаш ишлари давом этаяпти. Клиниканинг ташкил этилиши аввало аҳоли саломатлигини ўйлаб қилинган иш. Ахир ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, чекка жойларда қўққисдан оғир хасталикка чалинган одамга тезкор ёрдам жуда асқотади.

**— Сизнинг иш тажрибангизда нозик жарроҳликлар бўлганми? Сўрашимнинг боиси одатда лорга эътиборсиз назар билан қарашади.**

— Бир гал афт-башараси қонга беланган бир йигитни олиб келишди. Дарров жарроҳлик столига ётқиздик. Қаттиқ зарб сабаб бурнидан икки қулоғигача кесилиб кетган экан. Ҳайрият, кўзларига таъсир қилмабди. Жарроҳликдан сўнг йигирма тўрт кун деганда барча жароҳатлари тузалди. Ҳатто из ҳам қолмади. Нима бўлганлигини суриштирсак, тракторнинг балонига дам ураётганда босим ошиб дискаси отилиб кетибди ва келиб бурунга урилибди. Қаранг, икки йил афғонда хизмат қилиб жароҳат олмаган бола тинчлик замонида... Фалокат оёқ остида деб шуни айтса керак-да.

**— Сизни таниганларнинг айтишига қараганда, бир қизнинг бурнидан ўрик данагини ҳам олган экансиз?**

— Биласизми, бечора қизни бурнида ўсимта бор деб онкологияларга олиб боришибди. Бизга олиб келганда бурунннинг битта тешигидан нафас олмаганлиги натижасида кўзининг ҳам биттаси хиралаша бошлаган экан. Соғайишига умид қилмаган отаона ҳам бир қадар ўз ҳолига ташлаб қўйибди. Оғриқ зўрайганда бизга олиб келишди. Жарроҳлик йўли билан олиб ташладик, кўзи ҳам равшанлашди. Умуман бунақа воқеалар бўлиб туради. Жиззах вилояти яйловлар, даштлардан иборат. Болаларни ҳар доим ҳам назоратда ушлаб туриш қийин. Баъзан ариқдан сув ичиб, томоқ йўлида зулук қолиб кетганлар ҳам келишади.

Энди, лорга эътиборсиз қарашади, деганингиз тўғри. Вилоятимизда алоҳида лор маркази бор эди. Ҳозирда кичкинагина бир бўлимга айлантиришди. Амбулатория усулида даволашни маслаҳат қилишади. Шифо истаб келаётган барча касалларни бирдек амбулатория усулида даволаб бўлмайди. Умуман 25 та жой етади. Шу ҳам ҳозир муаммо бўлиб қолди.

**—Тиббиёт ходимлари эл-юрт эътиборида, ҳурматида бўлишади. Бундан мағрурлансангиз керак?**

— Бизнинг касбда мағрурланиш ярашмайди. Мағрурлик кўзни ўтмаслаштиради, ақлни тумтоқ қилиб қўяди. Беморга тўғри ташҳис қўйиш, натижали даволаш учун дўхтир сергак бўлиши шарт.

**— Бу йил мамлакатимизда сайловлар ўтказиладиган йил. Сиз қайси партия аъзосисиз?**

— Ҳозирча ҳеч бир партияга аъзо эмасман, лекин Халқ демократик партиясига ўтиш ниятим бор.

**— Аввалари депутат «наказ» оларди, аммо ҳар доим ҳам бажармасди. Одамлар ҳам бажариш, бажармаслигига қараб баҳо берарди. Сиз депутатнинг асл вазифаси нима деб ўйлайсиз?**

— Депутат жамиятнинг онгли аъзоси. У аҳоли турмуш тарзининг, ҳаёт кечиришининг замонавийлашувида, ҳақ-ҳуқуқининг такомиллашувида, қонунлар чиқарилишида иштирок этади, бажарилишини таъминлайди. Депутат халқнинг дилидагини, маъқул келганини ҳукумат даражасига олиб чиқувчи. У ўз ўтирган ўрнига лойиқ бўлиши керак. Мен депутатни шундай тушунаман.

*Эргаш ака Отабоев киндик қони томган заминда, аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида хизмат қилади. Одми, камтаргина юради. Тиббиёт ходимларига хос кўзларидан меҳр ёғилиб туради. «Мен нимагаки эришган бўлсам оилам — Дилбархоннинг хизматлари», деб қўяди.*

***Юсуф ЖЎРАЕВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири.***

## Суратлар сўзлаганда

Мўйқалам усталари Анвар Бахтеев, Имяр Мансуров ва Александр Зенкинларнинг асарлари аллақачон мухлислар эътиборига тушган. Ўзбекистон Бадиий Академияси Марказий кўргазмалар залида шу уч мусаввирнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмага рассомларнинг кейинги йилларда яратилган икки юзга яқин асари қўйилган.

Уларнинг асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳоннинг бир қатор йирик шаҳарларида шахсий кўргазмалари намойиш этилган, кўплаб асарлари мамлакатимиздаги ва хориждаги турли музейларда, чет эллик санъат мухлислари хусусий коллекцияларида сақланмоқда.

***Нодир ХОЛМАХМАТОВ***


Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманида жойлашган «Меъморқурувчи» хусусий фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Телефон: 45-80-34.





**«Ўзсаноатқурилишбанки»**

**Юридик ва жисмоний шахсларга сейф хизматлардан фойдаланишни таклиф этади:**

**шахсий сейф қутичалари**

**Сизга пулларингиз, қимматбаҳо буюмларингиз, ҳужжатларингизни сақлаш учун жойлаштиришга имкон беради.**

**Омонатларнинг сир тутилиши кафолатланади.**

**Омонатларингизни ўта ишончли ва қулай сақлаш туридан фойдаланиш имкониятини қўлдан берманг.**

**Сизни қуйидаги манзилда кутамиз:**

*Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, 30-мавзе, 16-а уй (ЎзСҚБнинг Охунбобоев филиали). Сизни қизиқтирган масалалар бўйича тўлиқ ахборотни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: (998+71) 136-08-26; 170-02-79.*


ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ** 220 Нашр индекси

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

| | |
|---|---|
| п.в | Жойи |

220 Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Окилхон Шарафутдинов номли 129-ўрта мактаб томонидан 1983 йилда Адиба Боқижоновна Тоирова номига берилган № 258555 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Политехника институти томонидан 1974 йилда Қадирниёз Абдикадиров номига берилган № Я-010991 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар адлия бўлими жамоаси мазкур бўлим 3-сон Шайхонтоҳур тумани Нотариал идора нотариуси Нигорахон Муҳамеджоновна Носировага қайноналари
**МАФТУНАХОН аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти жамоаси шу институтнинг бўлим бошлиги Раиса Ашуровна Юлдашевага отаси
**Ашур Ўринович ЮЛДАШЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси, ўзбек филологияси факультети жамоаси ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожиевга волидаи муҳтарамалари
**СОКИНА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ЖУМА 5

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Чертиб дутор куйлар». Мусиқий дастур.
9.15 «Камолот сари».
9.35 «Довураклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Оналар мактаби».

**Ўқувчиларнинг таътил кунларида:**

10.55 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Баланд тоғлар остида». Видеофильм. 2-қисм.
11.25 «Ёзувчилар — болаларга».
12.05 «Сайловлар минбари». «Ватан тараққиёти» партиясининг сайловолди платформаси.
12.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
12.45 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
13.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
14.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
15.20 «Сомон йўли».
15.50 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Жавоҳирлар дунёси».
16.00 «Теран томирлар».
16.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
16.35 «Шарқ тароналари».
16.55 «Кенжатойдан кўрк, эй ғаним». Бадиий фильм.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
18.50 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.05 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг сайловолди платформаси.
21.25 «Назм ва наво». Мунис лирикаси.
22.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 2-қисм.
22.20 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.10 «Ахборот».
23.40 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
2.10-2.15 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой», «Мультгомоша»)
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Давр»-интервью.
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Мен овоз бераман».
19.55 «Аср қиёфаси».
20.10 «Аскар мактублари».
20.25, 20.55, 23.50 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Талабалар шаҳарчаси». Сайлов участкаларида.
21.15 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.25 «Истиқлол қайтарган номлар». Марям Султонмуродова.
21.40 «Автосалтанат».
21.50 «Ёшлар» телеканалида...
21.55 «Мусиқий лаҳзалар»..
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мен овоз бераман».
22.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури . Ринг қироллари.
23.35 «Жаҳон эстрадаси».
23.50 Синема. «Жиноят».
1.30 «Мунаввар тонг истаб!»

**TV**

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Этик кийган мушук». Мультфильм.
10.45 «Спорт оламида».
11.00 «Ёқимли оҳанглар».
11.20 «Ёввойи табиат».
12.10 «Йиллар ортидаги йўллар».
12.40 «Кинонигоҳ». Италияликларнинг Россиядаги саргузаштлари».
14.15-14.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Сайловлар минбари». «Ватан тараққиёти» партиясининг сайловолди платформаси.
18.15 Болалар учун. «Қуралай».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 67—68-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Сайловолди ўйлари».
20.15 «Мусиқий дақиқалар».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чорраҳаси».
21.20 «Зардўзлар». Телефильм.
21.45 «Яна бир учрашув».
22.15 «Мусиқий меҳмонхона».
22.45 «Индаба». Телесериал. 2-серия.
23.10 «Катталар учун эртак».
23.20 «Манзарали фильм».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Эмма».
01.40 «Хайрли тун, шахрим!»

**4TV**

**РЖТ**
**7.30-9.00**

13.55 Кўрсатувлар тартиби.
14.00 «Сайловлар минбари». «Ватан тараққиёти» партиясининг сайловолди платформаси.

**14.15-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

16.05 Клип-антракт.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 СНН-шоу.
17.55 «Тенгдошлар».
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Бу ажиб дунё».
18.45 «Мультчарҳпалак».
19.00 «Ит уяси». Телесериал.
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 Время.
21.55 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.45 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Дурдаршан».
23.50 Кинематограф: «Малхолланд қояси». Бадиий фильм..
1.35 «Ахборот» (рус тилида)
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 20.20, 01.00 — «Телеҳамкор». «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.



12.45 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Қулупнай». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 Мусиқий дам олиш канали.

## ШАНБА 6

**TV**

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Хидоят сари».
9.40 «Зийнат».

**«Умид» намойиш этади:**

10.00 «Ёшлар билишни истайди».
10.20 «Табассум кўчаларида».

**Ўқувчиларнинг таътил кунларида:**

10.40 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Баланд тоғлар остида». Видеофильм. 3-қисм.
11.10 «Нигоҳ». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Зарблар сеҳри». Мусиқий дастур.
12.00 «Сайловлар минбари». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг сайловолди платформаси.
12.15 «Ўзбек спортининг нуфузи».
12.35 «Кўзгу». Тележурнал.
13.05 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
13.55 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.30 «Табаррук қадамжолар».
14.50 Кундузги сеанс. «Колонна». Бадиий фильм. 1-серия.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Мус-ринг». Телешоу.
16.35 «Иқтисод ва биз».
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Дўстлик». (Танаффус пайтида «Бухоро». Телефильм). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.05 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
21.25 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.

**«Тунги ёғду». Дам олиш дастури**

22.05 «Мусиқий саёҳат».
22.25 ЎзТВ экранида илк марта: «Робин Гуд». Бадиий фильм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади ( «Олтин калит», «Спорт майдончаси», «Мультгомоша»).
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 94-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида...
10.45 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
11.00 «Мусиқий лаҳзалар».
11.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.30 «Мафтункор чеҳралар».
11.50 «Қишлоқдаги тенгдошим».
12.10 «Қутилмаган меҳмон».
12.30 «Бир жуфт қўшиқ».
12.40 «Мен овоз бераман».
12.45 «Рамаяна». Телесериал.
13.20 «Мусиқий лаҳзалар».
13.30 «Ёшлар ва сайлов».
13.40 «Спорт китъаси». Теннис.
14.40 «Мусиқа теграсида».
15.00 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.45 «Шу куннинг мавзуси».
16.05 «Ёшлар» телеканалида...
16.10 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».

*

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Мультгомоша»)
18.40 «Ёшлар куйлайди».
18.55 «Мен овоз бераман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида...
19.35 «Кинотақдим». «Ўзбектелефильм» 30 йиллиги.
19.55 «Матбуот».
20.05 «Мусиқий лаҳзалар».
20.10 «Европа билан бирга».
20.25, 21.05, 23.20 Эълонлар.
20.30 «Рамаяна». Телесериал.
21.10 Сиз севган гуруҳ «Сетора».
21.30 «Мен овоз бераман».
21.35 «Хайрат».
21.55 «Ёшлар» телеканалида...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий глобус».
22.50 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.20 Синема. «Катта пойга».
1.20 «Хайрли тун!»

**TV**

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ханда дўкони».
9.55 Болажонлар экрани. «Семург».
11.05 «Ёшлар худуди». «Мен сайловчиман».
11.35 «Ишдаги ишқ ёки..»
12.00 «Бева Бланка». Телесериал.
12.45 «Жозиба».
13.05 Кинонигоҳ. «Эмма».
14.50-15.35 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Чинсэн».

***

17.55 Кўрсатувлар дастури
18.00 «Сайловлар минбари». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг сайловолди платформаси.
18.15 Болалар учун. «Ўйинленд». Телешоу.
18.35 «Дилором наволар».
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 69-70 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Таянч».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Мисли гавҳар».
22.45 «Олам».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Кинонигоҳ». «Афоня».
00.40 «Хайрли тун, шахрим!»

**4TV**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси».
9.35 «Вақт хазинасидан».
9.50 «Дурдаршан».
10.10 «Юлдузлар чорраҳаси».
10.30 «Ўзи ўзига режиссёр».
11.00 «Буржлар башорати».
12.00 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
12.15 «Малхолланд қояси». Бадиий фильм.
14.00-14.15 «Сайловлар минбари». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг сайловолди платформаси.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.15 Михаил Задорновнинг кулгу кечаси.
19.10 «Кумушранг серия». «Итальянча никох». Бадиий фильм.
21.00 «Время».
22.00 «Мюзик-холл».
22.20 «Икки рояль».
23.05 «Дил изҳори».
23.15 «Бу ажиб дунё».
23.30 Кинематограф: «Беверли-Хиллзлик миршаб». Бадиий фильм.
1.10 «Ахборот»(рус тилида)
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.00 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино.
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал (Австралия).
15.00 Ҳинд киноси.
17.15 «Юлдузлар карвони: Марина Хлебникова».
18.30 «М.Д.S. — саломатлик йўллари».
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.10 «Д. Копперфильд билан беш оқшом».
24.00 «Бедорлик».

## ЯКШАНБА 7

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Шарқ тароналари».
9.35 «Ўзбектелефильм»асарлари намойиши: «Паҳлавон Маҳмуд».
9.45 «Гаройибот».

**«Умид» намойиш этади:**

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 «Соғлом авлод учун».

**Ўқувчиларнинг таътил кунларида:**

11.20 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Баланд тоғлар остида». Видеофильм. 4-қисм.
11.50 «Замин қадри».
12.05 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
12.20 «Бўстон». Тележурнал.
12.50 «Шоҳрўҳ» клуби.
13.20 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.50 «Мехрибон ота-она». Мусиқий дастур.
14.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Самарқанд».
15.10 «Келажак уфқлари».
15.30 «Саҳна ҳаёти».
16.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
16.35 «Колонна». Бадиий фильм. 2-серия.
17.40 «Қалб гавҳари».
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 Эстрада тароналари.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Сайловлар минбари». «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди платформаси.
21.30 «Шийпондаги учрашув».
22.10 Телевизион миниатюралар театри.
22.45 «Эл аро азиз аёл». Ўзбекистон халқ артисти Г.Раҳимова.
23.20 «Футбол майдонларида».
23.35 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
23.50 Кино янгиликлари.
00.05 Жаҳон киноси юлдузлари.
00.25 «Эртаклар тарқ этган дара». Бадиий фильм.
1.45-1.50 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.50 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 95-қисм.
10.55 «Ёшлар» телеканалида...
11.00 «Антиқа».
11.20 «Парламент».
11.35 «Эколаш». Дам олиш кўрсатуви.
11.50 «Остонадаги орзулар».
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Ринг қироллари.
13.05 «Лаззат».
13.25 «Рамаяна». Телесериал.
14.00 «Марду-майдон».
14.20 «Сиз севган хонанда: Равшан Комилов».
14.40 «Эркин фикр».
14.55 «Цирк, цирк, цирк...»
15.15 «Мусиқий лаҳзалар».
15.20 «О, ёшлигим».
15.40 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
15.50 «Ёшлар овози».
16.10 «Компьютер-Азия».
16.20 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)
18.40 «Ақл ёшдамас...»
18.55 «Мен овоз бераман».
19.00 «Мусиқий лаҳзалар».
19.10 «Спорт ҳафтаномаси».
19.30 «Якшанбада кўришгунча».
19.50 «Сурур» Мусиқий дастур.
20.00 «Давр». Ҳафта ичида.
20.40, 21.20, 23.20 Эълонлар.
20.45 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 «Синфдош».
21.45 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар кўрик-танлови.
22.55 «Мен овоз бераман».
23.00 «Олам футболи».
23.20 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар кўрик танлови (давоми)
00.40 «Хайрли тун!»

**TV**

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
9.40 «Ёрилтош». Мультгўплам.
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 Болажонлар экрани. «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Менинг шотландиялик дўстим». 1-серия.
10.55 «Латифа».
11.10 «Менинг шотландиялик дўстим». 2-серия.
11.40 «Саломатлик чорраҳаси».
11.55 «Менинг шотландиялик дўстим». 3-серия.
12.25 «Янги ой чиққан кеча».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Туризм ҳақида».
14.05 «Суҳбатдош».
14.20-15.45 Такрорий фильмлар экрани. «Афоня».

***

17.55 «Ойнаи жаҳонда».
18.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.15 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.35 «Камолот сари».
18.50 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
19.05 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 71-72 сериялар.
19.55 «Ибрат».
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Сайлаш ва сайланиш».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Сиз соғинган наволар».
22.55 «Дурдона».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 «Кинонигоҳ». «Бегона худуд».
01.05 «Хайрли тун, шахрим!»

**4TV**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 Кинематограф: «Беверли-Хиллзлик миршаб». Бадиий фильм.
12.50 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
13.00 «Океан ортига саёҳат. Япония».
13.15 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айчурек».
14.00-14.15 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Кинопрофи».
18.15 Игорь Крутой. «Дўстлар ва қўшиқлар».
19.20 Евгений Сидихин «Бўри қони» жангари фильмида.
21.00 «Тенгдошлар».
21.25 «Интернет худуди».
21.40 Клип-антракт
21.45 «КВН-99»
23.45 Якшанба кинозали. Лаки-страйк намойиш этади: «Тубсизлик»
1.55 «Таҳлилнома» (рус тилида)
2.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино.
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Ташриф: Малика Аҳмедова». Телетанишув.
17.35 «Жанговар санъат олами».
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
14.00 «Ҳафтанинг олти янгилиги».
14:20 «Star старт».
15.20 ТВ-6 кинотеатри. «Петров ва Васичкиннинг саргузаштлари. Оддий ва гаройиб».
17.45 «Спартак — чемпион!».
18.20 «Сифат белгиси»ни халқ тақдим этади.
18.55 «Саволга ўрин йўқ».
19.35 «Ҳафта ҳалокатлари».
20.50 «Бис» ҳажвий кўрсатуви.
21.20 «Сиз — шоҳидсиз».
21.55 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
22.55 ТВ-6 кинотеатри. Елена Сафонова «Президент ва унинг аёли» фильмида.
00.45 «Бизнинг мусиқа: Олег Газманов».
01.50 «Спорт янгиликлари».
02.05—04.00 Ален Делон, Лорен Бэколл «Кун ва тун» эртак мелодрамасида.


**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**
**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**
*Сиёсат — 133-20-36*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-76-04*
*Котибият — 133-21-43*

*Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-12-56